



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 17 » sentabr

№ 578

Toshkent sh.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳамширалик иши фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ўрта тиббиёт ходимлари ўзини ўзи банд қилган ҳолда ҳамширалик фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармонида “ҳамширалик иши” билан мустақил шугулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони билан ҳамширалик иши фаолиятини фақат ўрта тиббий ёки олий ҳамширалик иши йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли ахборот тизимида 2022 йил 1 январдан бошлаб рўйхатдан ўтган шахслар амалга ошириши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуидагиларни назарда тутувчи Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” фаолияти билан шуғулланишга ўрта тиббий (ҳамширалик иши, даволаш иши, акушерлик иши) ёки олий ҳамширалик иши бўйича олий маълумотга эга бўлган, давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкilotida ишламайдиган шахсларга (кейинги ўринларда – ҳамшира) рухсат этиш тартиби;

ҳамшира Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ маҳсус мобил илова ёки солик тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солик хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтиши тартиби;

ҳамшира мустақил ҳамшира маълумотномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамширанинг малакаси тўғрисидаги сертификат, шунингдек, фаолияти юзасидан чораклик ҳисботларни киритиш имконини берувчи ҳамда малакасини ошириб бориш муддатлари келганлиги бўйича огоҳлантириш тизимини қамраб олевучи ахборот дастурида рўйхатдан ўтиб, мустақил ҳамшира (кейинги ўринларда – мустақил ҳамшира) сифатида фаолиятини бошлиши тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳамширанинг малакаси тўғрисидаги сертификат, шунингдек, фаолияти юзасидан чораклик ҳисботларни киритиш имконини берувчи ҳамда малакасини ошириб бориш муддатлари келганлиги бўйича огоҳлантириш тизимини қамраб олевучи ахборот дастурида рўйхатдан ўтиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастури) жорий қилсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастурини Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан биргалиқда Давлат солик қўмитаси расмий веб-сайтига жойлаштирилган ахборот ресурсига ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг маълумотлар базаси (регистри)га интеграция қилинишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастурини жорий қилиш, кейинги кузатувини таъминлаш ва ривожлантириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

мустақил ҳамширалик билан шуғуллувчи шахслар фаолияти мониторинги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастури орқали олиб борилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастурини ривожлантириш ва кейинги кузатувини амалга ошириш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “Г” сентябрдаги 578-сон қарорига
илова

**Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши”
фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши тиббий фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларга татбиқ этилмайди.

3. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” фаолияти билан шуғулланишга ўрта тиббий (ҳамширалик иши, даволаш иши, акушерлик иши) ёки олий ҳамширалик иши бўйича олий маълумотга эга бўлган, давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотида ишламайдиган шахсларга (кейинги ўринларда – ҳамшира) рухсат этилади.

4. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши” билан шуғулланадиган шахслар фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастури орқали Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан мониторинг олиб борилади.

**2-боб. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида “ҳамширалик иши”
фаолиятини амалга оширишда рўйхатдан ўтказиш тартиби**

5. Ҳамшира Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ маъсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтади.

6. Ҳамширага ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган маълумотнома (кейинги ўринларда – мустақил ҳамшира маълумотномаси) расмийлаштирилади.

7. Ҳамшира мустақил ҳамшира маълумотномаси асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги) ҳамширанинг малакаси тўғрисидаги сертификат, шунингдек, фаолияти юзасидан чораклик ҳисоботларни киритиш имконини берувчи ҳамда малакасини ошириб бориш муддатлари келганлиги бўйича огоҳлантириш тизимини қамраб олувчи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахборот дастурида (кейинги ўринларда – ахборот дастури) рўйхатдан ўтиб, мустақил ҳамшира (кейинги ўринларда – мустақил ҳамшира) сифатида фаолиятини бошлайди.

8. Мустақил ҳамшира ахборот дастурида маълумотларни бевосита ўзи киритиши ёки туман (шашар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига келган ҳолда ахборот дастурида рўйхатдан ўтиши мумкин.

9. Мустақил ҳамшира туман (шашар) кўп тармоқли марказий поликлиникасига келган ҳолда рўйхатдан ўтмоқчи бўлгандан унга ушбу муассаса катта ҳамшираси, у бўлмаган ҳолларда ходимлар бўлими томонидан ахборот дастурида рўйхатдан ўтишида амалий ёрдам кўрсатилади.

10. Мустақил ҳамшира ахборот дастурида рўйхатдан ўтишда мазкур Низом билан танишганлигини тасдиқлаган ҳолда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ сўровномадаги маълумотларни киритади ва унда сўралган хужжатларнинг электрон шаклини юклайди.

Бунда мустақил ҳамшира томонидан фаолияти давомида ҳамкорликда ишлайдиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасини (кўп тармоқли марказий поликлиника, оиласиб поликлиника ёки оиласиб шифокор пункти) белгиланади.

11. Сўровнома мажбурий тўлдириладиган бандлардан иборат бўлиб, ишончли бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар киритганлиги учун қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

12. Сўровномага шахсий идентификация рақами киритилиганда мустақил ҳамширининг паспорт (ID-карта) маълумотлари, мустақил ҳамшира маълумотномаси ва фаолият юритиш худуди автоматик тарзда юкланади.

13. Малака тўғрисидаги сертификат бўлиши талаби мустақил ҳамшира таълим ташкилотини тугатганига уч йил бўлмаган такдирда талаб этилмайди.

14. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг ахборот дастури орқали мазкур Низомга 2-иловада келтирилган шаклда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида мустақил ҳамшира фаолияти билан шуғулланиш бўйича рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган гувоҳнома (кейинги ўринларда – мустақил ҳамшира гувоҳномаси) реал вақт режимида автоматик тарзда расмийлаштирилади.

Гувоҳнома давлат тилида расмийлаштирилади. Шахснинг хоҳишига кўра маълумотнома рус ва инглиз тилларида ёки, заруратга кўра, бошқа тилларда расмийлаштирилиши мумкин.

15. Мустақил ҳамшира гувоҳномаси чекланмаган муддатга берилади.

16. Мустақил ҳамшира гувоҳномасини расмийлаштиришда ҳақ ундирилмайди.

17. Мустақил ҳамшира яшаш учун бошқа туман (шашар)га кўчиб ўтганда, унинг аризасига мувофиқ Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан ахборот дастурига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

3-боб. Мустақил ҳамширининг хуқуқлари ва мажбуриятлари

18. Мустақил ҳамшира ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиб ва йўриқномаларга мувофиқ амалга оширади.

19. Мустақил ҳамшира ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ шифокорнинг кўрсатмасисиз аҳолига мустақил тиббий маслаҳат ва муолажаларни бажариш, шунингдек, мазкур Низомга 4-иловада кўрсатилган рўйхатга мувофиқ шифокор тавсияси (кўрсатмаси) асосида аҳолига тиббий маслаҳат ва муолажаларни бажариш ҳукуқига эга.

20. Мустақил ҳамшира:

мустақил ҳамширилик фаолияти билан ахборот дастурида мустақил ҳамшира гувоҳномаси расмийлаштирилгандан сўнг шуғулланиши;

ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда фаолияти давомида аҳолига кўрсатаётган тиббий маслаҳат ва муолажалар бўйича ҳисбот журналини юритиши;

мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шаклда ҳар чорак яқунида кейинги ойнинг 5-кунига қадар аҳолига кўрсатилган тиббий маслаҳат ва муолажалар тўғрисидаги ҳисботни ахборот дастурига киритиши;

шифокор тавсияси (кўрсатмаси) асосида аҳолига кўрсатилган тиббий маслаҳат ва муолажалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги шифокор ёзма тавсиясини ҳисбот журналида сақлаб қолиши;

шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ беморга дастлабки ҳамширилик ёрдамини кўрсатиши ва шошилинч тиббий ёрдам ҳолати бўйича тегишли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига ахборот бериши;

шошилинч тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлиш ҳолати бошқа шахс томонидан етказилган тан жароҳати, йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этишни тақозо этадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда мустақил ҳамшира ушбу ҳолат тўғрисида ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиши шарт.

21. Мустақил ҳамширага стерилизация қилиниши талаб этиладиган тиббий буюмлардан фойдаланган ҳолда аҳолига тиббий муолажаларни бажаришига ҳамда дори воситаси қабул қилишда ножӯя таъсир ҳолатини аниқлаш мақсадида кўйилган синама ҳолатини баҳолашга рухсат этилмайди.

4-боб. Мустақил ҳамширининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси билан ҳамкорлиги

22. Мустақил ҳамшира ахборот дастурида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи мустақил ҳамшира гувоҳномаси билан бир ҳафта муддатда фаолият бошлаш учун гувоҳномада кўрсатилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига келиб гувоҳноманинг нусхасини тақдим этади.

23. Мустақил ҳамширининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси билан ҳамкорлиги:

мустақил ҳамшира томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий маслаҳат ва муолажалар худудда кўрсатилган тиббий хизматлар қаторида қайд этилиши;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси томонидан мустақил ҳамширага ушбу хизматга эҳтиёжи бўлган оилалар тўғрисида маълумот берилиши;

мустақил ҳамшира хизмат кўрсатаётган оилаларнинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасидаги тиббий маълумотларидан фойдаланиши;

беморнинг сўровига мувофиқ мустақил ҳамшира томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий маслаҳат ва муолажалар тўғрисидаги маълумотларни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасида сақланаётган тиббий хужжатларга киритиш;

мустақил ҳамширанинг фаолиятида юзага келган саволларига жавоб бериш, уни соҳадаги янгиликлардан хабардор этиб бориш;

мустақил ҳамшира фаолияти юзасидан мурожаатларни ўрганиш орқали амалга оширилади.

24. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси:

а) бош шифокори мустақил ҳамшира томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий маслаҳат ва муолажалар давомида юзага келган ҳолат ёки масалалар юзасидан кўрсатмалар беради;

б) катта ҳамшираси:

мустақил ҳамширанинг муассаса тиббиёт ходимлари билан узвий ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлайди;

мустақил ҳамшира шифокор тавсиясига (кўрсатмасига) мувофиқ амалга оширадиган тиббий маслаҳат ва муолажалар тўғрисида маълумот беради.

25. Мустақил ҳамшира томонидан аҳолига кўрсатилган тиббий маслаҳат ва муолажалар тўғрисидаги маълумотлар тегишли худуд патронаж ҳамшираси томонидан патронаж хизмати сифатида рўйхатга олинади. Бунда патронаж хизмати мустақил ҳамшира томонидан амалга оширилганлиги қайд этилади.

5-боб. Мустақил ҳамширанинг жавобгарлиги ва рўйхатдан чиқариш тартиби

26. Мустақил ҳамшира фаолиятни амалга оширишдаги ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

27. Мустақил ҳамшира фаолияти билан боғлик бўлган аҳоли мурожаатлари тегишли туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан ўрганилади.

28. Ушбу Низомнинг 17-20-бандлари талаблари бузилганлиги аниқланган ҳолларда тегишли туман (шахар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош

шифокори ҳамширани мазкур Низомнинг бузилган тегишли бандини аниқ қўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантиради.

29. Қуйидагилар мустақил ҳамшира гувоҳномасини бекор қилишга асос бўлади:

мустақил ҳамшира фаолиятини ўз хоҳишига кўра тўхтатиши тўғрисида тегишли туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасига мурожаат қилганда;

мустақил ҳамшира шифокор тавсияси (кўрсатмаси) асосида аҳолига тиббий маслаҳат ва муолажаларни бажариш бўйича белгиланган тартибга риоя этмаган ҳолалларда;

мустақил ҳамшира белгиланган муддатларда малака ошириш талабарини бажармаган ҳолларда;

мазкур Низомнинг 17-20-бандлари бўйича бир йил ичидаги тегишли туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси томонидан уч маротаба огоҳлантирилганда.

30. Мустақил ҳамшира гувоҳномасини бекор қилиш туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокорининг Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказига мустақил ҳамширага берилиган гувоҳномани бекор қилиш бўйича сабаби аниқ қўрсатилган мурожаати асосида амалга оширилади.

31. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасининг мурожаати асосли деб топилган тақдирда Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилинади ва уч кун муддатда тегишли туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасига бу ҳақида маълумот юборилади.

Бунда мустақил ҳамшира гувоҳномасини бекор қилиш ахборот дастурида мустақил ҳамширани рўйхатдан чиқариш орқали амалга оширилади.

32. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори томонидан тегишли ҳамшира мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилганлиги тўғрисидаги маълумот билан беш кун муддатда ёзма равишда огоҳлантирилади.

33. Мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилинган шахс ушбу қарордан норози бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг мустақил ҳамшира гувоҳномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга ариза берилиши мумкин.

Суд томонидан гувоҳномани бекор қилиш ҳақидаги қарор асоссиз деб топилган тақдирда, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари

малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази мустақил ҳамшира олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар ҳисобланади.

34. Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилинганилиги тўғрисидаги маълумот тегишли ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органи томонидан мустақил ҳамшира маълумотномасини бекор қилишга асос бўлади.

35. Мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилингандан ҳамшира томонидан мустақил ҳамширалик фаолияти билан шуғулланиш ноқонуний фаолият сифатида баҳоланиб, қонунчилик хужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

36. Мустақил ҳамшира гувоҳномаси бекор қилингандан ҳамшира томонидан белгиланган тартибда малакасини оширгандан сўнг (сўнгти малака оширганлиги муддатидан қатъи назар) белгиланган тартибда мустақил ҳамшира маълумотномаси ва гувоҳномаси расмийлаштириши мумкин.

6-боб. Якунловчи қоида

37. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзини ўзи банд қылган шахс сифатида
“хамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби түгрысидаги низомга
1-илова

**Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган
ҳамшира томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ахборот дастурида рўйхатдан ўтиш
СЎРОВНОМАСИ ШАКЛИ**

Күйидаги маълумотларни киритинг:

1. Ўзини ўзи ҳамширалик иши фаолияти билан банд қилган шахснинг:
шахсий идентификация рақами (ШШИР) _____, ёки
электрон рақамли имзо (ИРИ) _____.

- ## 2. Диплом бўйича тиббий маълумот:

- б) ўрта маҳсус

3. Тиббий маълумот тўғрисидаги дипломнинг электрон шакли.

Диплом берилгандай үкүв мүассасаси номи

Диплом рақами берилған санаси

4. Сўнгги уч йил ичида малака оширганликни тасдиқловчи малака ошириш тўғрисидаги сертификатнинг электрон шакли:

Сертификат берилған үқув мұассасаси номи

Сертификат раками берилгандын санаси

5. Ҳамкорликда ишлайдиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси:

- a) күп тармоқли марказий поликлиника номи _____

- б) оилавий поликлиника номи

- в) оилавий шифокор пункти номи

Изоҳ. Сўровнома бандлари мажбурий тўлдирилади ва сўралган ҳужжатларнинг электрон шакли юкланади.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида
“ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби тұғрисидаги низомга
2-илова

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот дастурида Соғлиқни сақлаш
вазирлигіда мустақил ҳамшира фаолияти билан шуғулланиш бүйича
рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи
ГУВОХНОМА**

—сон

(жисмоний шахснинг тұлық фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлганда))
ўзини ўзи банд қилган “ҳамширалик иши” фаолиятини амалга оширувчи ҳамшира
сифатида 20 йил “ ” да рўйхатга олинди.

Фаолиятни амалга ошириш манзили:

- Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш., вилоят: _____
- Туман (шаҳар): _____
- Ҳудуд: _____

Ҳамкорликда ишлайдиган бирламчи тиббиёт ташкилоти: _____

QR-код

Ушбу маълумотнома ахборот тизимининг ягона реестридаги маълумотлар асосида
шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхасидир.

QR-кодни мобил курилма орқали сканер килиб маълумотларнинг тўғрилигини
текшириб кўриш мумкин.

Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида
“ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби тұғрисидаги низомга
3-илова

**Мустақил ҳамшира шифокорнинг күрсатмасисиз бажариши
мумкин бўлган тиббий маслаҳат ва муолажалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Тадбир номи
I. Профилактик тадбирлар	
1	Худудларда соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш
2	Оилаларда соғлом турмуш тарзи бўйича сухбатлар ўтказиш
3	Жамоа ўртасида соғлом турмуш тарзи юзасидан тадбирлар ташкил этиш
4	Худуд оилаларида тиббий маданиятни оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш
5	Саломатлик кўрсаткичини (индекси) аниқлаш
6	Аҳоли ўртасида мақсадли гурухлар (ҳомиладорлар, 0-5 ёшгача болалар ва бошқа) ташкил этиш ва улар билан ишлашда стандартлар ва алгоритмлардан фойдаланиш
7	Турли ёшдаги аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш бўйича маслаҳатлар бериш
8	Касаллик турига қараб парҳез таомлар бўйича маслаҳатлар бериш
9	Юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида сухбатлар ўтказиш
10	Юқумли бўлмаган касалликлар ва асоратларнинг олдини олиш
11	Гигиеник тарбия
12	Жисмоний машқларни бажариш хамда нафас машқларини бажаришда йўл-йўриқ кўрсатиш
13	Жароҳатга инфекция тушишининг олдини олиш
14	Касалликка олиб келувчи хавфли омилларни аниқлаш ва уларни коррекция қилиш бўйича маслаҳатлар бериш
II. Диагностик тадбирлар	
15	Бемор шикоятлари асосида анамнез йигиш
16	Антрапометрик ўлчовлар ўтказиш
17	Қон босимини ўлчаш
18	Пульсни санаш ва уни баҳолаш
19	Нафас олиш тезлигини санаш
20	Тана ҳароратини ўлчаш
21	Пульсоксиметрия ўтказиш
22	Пикфлюметрия ўтказиш
23	Фонендоскоп ёрдамида ўпканинг фаолиятини эшлиши
24	Нафас олиш типларини аниқлаш
25	ЭКГни стандарт усулида олиш
26	Юрак тонларини фонендоскоп ёрдамида эшлиши
27	Кўз қорачиги рефлексини аниқлаш
28	Периферик лимфа тугунларини пайпаслаш ва баҳолаш

29	Глюкометрия ўтказиш (қондаги қанд миқдорини аниқлаш)
30	Пешобда ўт пигментларини аниқлаш
31	Нажас характерини аниқлаш
32	Инсон саломатлиги бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва шифокорга йўналтириш

III. Ҳамширалик парвариши

a) Болалар парвариши (неонатал, чақалоқ, болалик даврларда)

33	Юқори нафас йўлларини шилимшиқлардан тозалаш
34	Киндик қолдигини парваришлиш
35	Тери ва шиллиқ қаватларни тозалаш ва парваришлиш
36	Чақалоқларда гигиеник ванна ўтказиш
37	Намланган кислород бериш
38	Боланинг бўйи, вазни, бош айланаси ва қўкрак айланасини ўлчаш ва онага боланинг ўсиш ва ривожланиши бўйича маслаҳатлар бериш
39	Болани қўкракка тутишни онага ўргатиш
40	Бола учун қўшимча овқатлар тайёрлашни онага ўргатиш
41	Боланинг қулок, қўз, оғиз бўшлиғи ва табиий бурмаларини парвариш қилиш ва парвариш бўйича онага маслаҳатлар бериш
42	Конституцион аномалияларда тери ва шиллиқ қаватларни парваришлиш
43	Болаларда психомотор ривожланишни баҳолаш ва онага маслаҳат бериш
44	Болага хавфсиз муҳитни яратиш бўйича онага маслаҳат бериш
45	Болани чўмилтиришни онага ўргатиш
46	Болада заарли одатлар билан боғлиқ бузилишларнинг олдини олиш бўйича онага маслаҳат бериш
47	Бемор болани парҳез овқатлантириш бўйича онага маслаҳатлар бериш
48	Эксикоз белгиларини аниқлаш
49	Газ чиқарувчи найча қўйиш
50	Қулоқни пилик билан қуритиш
51	Оёқларга ванна қилиш
52	Хавфсиз иммунизация учун тавсиялар бериш
53	Ўсмир ёшдаги болаларда жинсий етилиш даврида ҳамшира маслаҳатини бериш (хайиз цикли, давомийлиги, балогат даври гигиенаси)

б) Ҳомиладор аёллар парвариши

54	Ҳомиладорликда бўладиган хавфли белгилар аниқланганда ёрдам бериш
55	Ҳомиладор аёллар учун фойдали тавсиялар бериш (ҳомиладор аёл гигиенаси, кийиниши маданияти, тўғри овқатланиш, дам олиш ва уйқу)
56	Ҳомиладорликни режалаштириш бўйича аёлларга маслаҳат бериш
57	Ҳомиладор аёлга хавфли белгилари тўғрисида маълумот бериш
58	Ҳомиладорликнинг I, II, III триместрларида учрайдиган хавфли белгиларнинг олдини олиш бўйича маслаҳатлар бериш
59	Ҳомиладорлик даврида заарли одатларнинг олдини олиш
60	Ҳомиладорлик даврида депрессия аниқланганда ёрдам бериш
61	Қорин айланасини ўлчаш ва вазнни ўлчаш
62	Ҳомила гипоксияси профилактикаси бўйича тавсия бериш
63	Ҳомиладор аёлларга намланган кислород бериш

в) Түкқан ва чилла давридаги аёлларни парвариш қилиш	
64	Бола ва чилла давридаги аёлнинг ҳаётига ҳавф соловчи белгиларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш
65	Кесарча кесиш амалиётини ўтказган аёлда чокларнинг битишини баҳолаш ва парвариш қилиш
г) Катталарни парвариш қилиш	
66	Объектив текшириш усулларини ўтказиш ва парвариш қилиш (беморни кўздан кечириш, нафас олиш тезлигини аниқлаш, пульсни санаш, тана ҳароратини ва қон босимини ўлчаш)
67	Оддий физиотерапевтик муолажаларни бажариш (ингаляция қилиш, оёқ ванналарини ўтказиш, хантал ва музли халтacha қўйиш)
68	Балғам яхши ажралиши учун дренаж ҳолатини яратиш
69	Нафас машқларини бажариш, небулайзерни қўллаш
70	Антисептиклар билан жароҳатни тозалаш
71	Шикастланишларда bemорларни парвариш қилиш
IV. Шифокоргача шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш	
72	Бош-мия шикастланишида bemор ҳолатини баҳолаб шифокоргача ёрдам кўрсатиш
73	Юмшоқ тўқималар шикастланиши, суякларнинг чиқиши ва синишида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш
74	Шикастланишларда шифокоргача тиббий ёрдам кўрсатиш
75	Куйганда, совуқ олганда ва электрдан шикастланишда шифокоргача тиббий ёрдам кўрсатиш
76	Кўча транспорти жароҳатида иммобилизация қилиш
77	Музли халтачадан фойдаланиш
78	Хомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда аёлларда зудлик билан тиббий ёрдамни талаб қилувчи хавфли белгиларни (қиндан қон кетиш, кучли ва давомли қайт қилиш, кўриш қобилияти бузилиш, иситма, кучли қорин оғриғи, пешоб ажратиш пайтида оғриқ ёки ачишиш, белдаги оғриқлар, оёқ, кўл, юзнинг шишиб кетиши, кўкрак соҳасида оғриқ, йўтал ёки нафас сикиши, бўғилиш, кўкрак безида оғриқлар ёки қизаришлар, кўкрак учидаги ёрилишлар, тез чарчаш, ҳансираш, кучсизлик белгилари, гипертермия, артериал босимнинг ортиши, бўғилиш ҳуружи, ларингоспазм, талваса, эксикоз ва токсикоз, хушдан кетиш, коллапс ва шок) аниқлаш ва шифокорга йўналтириш
79	ЮИК стенокардия ҳуружида, ўткир миокард инфарктида шошилинч ёрдам кўрсатиш
80	Гипертония кризида шошилинч ёрдам кўрсатиш
81	Ўпкадан, меъда ва ичаклардан қон кетган ҳолатларда шошилинч ёрдам кўрсатиш
82	Бемор қусганда биринчи ёрдам кўрсатиш
83	Ўткир қорин оғриғида биринчи ёрдам кўрсатиш
84	Ўткир аллергик реакцияларда (Квинке шиши, эшакем ва анафилактик шокда) шошилинч ёрдам кўрсатиш
85	Жароҳатланишда (синиш, чиқиш, лат еганда) шошилинч ёрдам кўрсатиш
86	Офтоб, совуқ уриши, сувга чўкканда, ҳашоратлар ва илон чаққанда биринчи

	ёрдам кўрсатиши
87	Захарланишда шошилинч ёрдам кўрсатиши
88	Кусганда шошилинч ёрдам кўрсатиши
89	Клиник ўлимда ўпка-юрак реанимациясини ўтказиши
91	Гипертермия ва талваса ҳолатларида ёрдам бериши

V. Паллиатив ёрдам кўрсатиши

92	Бемор эхтиёжлари асосида ҳамшира парвариш режасини тузиши
93	Овқатлантириши (табиий ва зонд орқали)
94	Бемор шахсий гигиенаси (тери қоплами, шиллик қаватлар, кўз, қулок, соч, оёқ-кўл тирноқлари парвариши, ўрин-кўрпа оқликлари ва кийимларни алмаштириши, ётоқ яраларининг олдини олиши)
95	Бемор ҳаракатланишида ёрдам кўрсатиши (аравача, юриш мосламаларидан фойдаланиши, йиқилиши, жароҳатланишнинг олдини олиши)
96	Беморнинг ухлаши ва дам олишига кўмаклашиши (хонани тоза ҳаво билан таъминлаш, тинчлик сақлаш)
97	Нафас олишни таъминлаш (бемор мустақил нафас олмаса, сунъий нафас бериши, оксигенотерапия)
98	Бемор ҳолатини баҳолаш
99	Физиологик функцияning бузилиши холларида (қабзият, диарея) ҳамширалик парваришини амалга ошириши
100	Бемор ва унинг яқинларига психологик ёрдам кўрсатиши
101	Стомалар, эндотрахеал трубка, катетерлар, дренажларни назорат ва парвариш қилиши
102	Ҳаётдан кўз юмаётган bemor ва унинг оила аъзоларини руҳий томондан қўллаб-куватлаш

Үзини ўзи банд қилган шахс сифатида
“хамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби түғрисидаги низомга
4-илова

**Мустақил ҳамшира шифокор тавсияси (күрсатмаси) асосида
бажариши мумкин бўлган тиббий маслаҳат ва муолажалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Тадбир номи
I. Диагностик тадбирлар	
1	Кўриш аъзолари ва кўриш функциясининг ноинвазив текширувларини ўтказиш
2	Эшитиш аъзолари ва эшитиш функцияси ноинвазив текширувларини ўтказиш
3	Нерв системаси функциясини текшириш (сезувчанлик ва харакатни)
4	Функционал текширувлар ўтказиш (электрокардиография, қон босимининг кунлик мониторинги, спирография, пневмотахометрия, пикфлуометрия, реоэнцефалография, электроэнцефалография ва бошқалар)
II. Инъекциялар	
5	Тери остига (инсулин, гепарин юбориш)
6	Тери ичига
7	Мушак орасига
8	Вена ичига
9	Томчилаб қўйиш
III. Муолажалар	
10	Ичишга дори бериш
11	Ингаляторлардан фойдаланиш
12	Малҳам суртиш
13	Сублингвал дори бериш
14	Беморларни сунъий овқатлантириш (ректал, зонд ва стома орқали)
15	Қовуққа катетер қўйиш
16	Боғламлар қўйиш
17	Компресслар қўйиш
18	Зулук қўйиш
19	Музли халтача ёки грелка қўйиш
20	Кўз, бурун ва қулоққа дори томизиш
21	Тозаловчи ва даволаш хўқналарини ўтказиш
22	Ортопедик жиҳозларни қўллаш
23	Тиббий массаж ўтказиш
24	Даволовчи гимнастика ўтказиш
25	Қандли диабетли bemorларда оёқ парвариши
26	Тинч ҳолатда ва жисмоний машқдан сўнг нафас тезлигини аниqlаш
27	Нажасни копрологик текширув учун олиш
28	Кўрув ўткирлигини Сивцев жадвали ёрдамида аниqlаш
29	Умумий таҳлил учун сийдик йигиши
30	Томоқни антисептик эритмалар билан чайиши
31	Қулоққа иситувчи компресс қўйиш

32	Ҳавфсиз воситалар билан томоқни юмшатиб, йўтални енгиллаштириш
33	Чўнтак ингаляторидан фойдаланиш
34	Трахеостомик найчага ва унинг атрофидаги терига ишлов бериш
35	Ётоқ яраларни парваришилаш

Үзини ўзи банд қилган шахс сифатида
“хамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби түғрисидаги низомга
5-илова

**Мустақил ҳамширанинг фаолияти давомида аҳолига кўрсатаётган
тиббий маслаҳат ва муолажалар бўйича ҳисобот
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Беморнинг Ф.И.О. ёши	Мурожаат санаси ва вақти	Манзили	Тавсия (кўрсатма) берган шифокорнинг Ф.И.О. Беморга қўйилган ташхис (ҳамшира мустақил бажарганда қатор бўши қолдириласди)	Муолажа номи	Соғлом турмуш тарзи бўйича тадбирлар	Бошқалар
1							
2							
3							
...							



Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида
“ҳамширалик иши” фаолиятини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-илова

**Мустақил ҳамшира томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот
дастурига киритиладиган чорак давомида аҳолига қўрсатилган тиббий
маслаҳат ва муолажалар тўғрисидаги ҳисобот
ШАКЛИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар: _____
2. Туман (шаҳар): _____
3. Худуд: _____
4. Рухсатнома рақами ва санаси: _____
5. Ҳамширанинг Ф.И.О. _____

Т/р	Ҳисобот номи	чораклар				жами
		I	II	III	IV	
1	Беморлар сони					
2	Мурожаатлар сони					

Ҳамширанинг ўзи мустақил амалга оширган муолажалар ва тадбирлар

3.1	Профилактик тадбирлар					
3.2	Диагностик тадбирлар					
3.3	Ҳамширалик парвариши					
3.4	Шошилинч тиббий ёрдам					
3.5	Паллиатив тиббий ёрдам					
3.6	Соғлом турмуш тарзи бўйича тадбирлар					
3.7	Бошқалар					
3.8	Жами					

Шифокор тавсияси билан амалга оширилган муолажалар

4.1	Профилактик тадбирлар					
4.2	Диагностик тадбирлар					
4.3	Ҳамширалик парвариши					
4.4	Инъекциялар					
4.5	Муолажалар жами					
	Шундан: тиббий массаж					
	даволовочи гимнастика					
4.6	Шошилинч тиббий ёрдам					
4.7	Паллиатив тиббий ёрдам					
4.8	Соғлом турмуш тарзи бўйича тадбирлар					
4.9	Бошқалар					
4.10	Жами					